



Сув келтирган – азиз

омилкорлик билан иш олиб бормоқдалар. Бу ишда уларга нафақат туман корхона ва ташкилотлари, балки вилоятнинг аграр тармоққа алоқадор бошқармалари, қатор туман ва шаҳар ҳокимликлари қўйиб берган ёрдам бермоқда.

мутахассисларга туман ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Жумладан, вилоят насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси бошлиғи Насибулло Маннолов, "Ўзметкомбинат" ИЧБ пайвандчиси Маъмур Қазақов, "Бекободценттаъмир" МЧЖ пайвандчиси Абдуазиз Раҳмонов, "Маллабой" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тоҳиркул Норматов ва бошқалар туман ҳокимлиги томонидан рангли телевизор билан тақдирланди.

«МАЛЛАБОЙ» НАСОС СТАНЦИЯСИ

эга бўлган ушбу иншоотни барпо этишда вилоятнинг аграр тармоғи таркибидagi бошқармалари, Янгийул ва Бекобод шаҳарлари, Чиноз тумани ҳокимликлари, Чирчиқ-Далварзин ирригация тармоқлари ҳавза бошқармаси, "Ўзметкомбинат" ИЧБ, "Далварзин пахта тозалаш заводи", "Маданият" қишлоқ фуқаролар йиғини, "Элқўзи ота", "Абдурауф ота" фермер хўжаликлари фаол иштирок этди. Ҳомий ташкилотлар томонидан 961,3 миллион сўмлик иш бажарилди.



Янги насос станцияси бунёдкорлари ва тантанали маросим иштирокчилари учун тўқтин дустурхон ёзилиб, ош тортилди. Санъаткорлар бунёдкорлар шарафига катта концерт дастурини намойиш этишди.

Янги сув тармоғини барпо этишга катта ҳисса қўшган бир гуруҳ ишчи ва

(Давоми. Боши 1-бетда).

Каримкул МАВЛОНОВ.

СУРАТАРАА: янги насос станцияси электрмашинисти (чапдан) Салим Йўлчиев ва станция бошлиғи Эркин Тожибоев назорат пайтида; станциянинг умумий қурилиши.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ТОҒЛИ ҚИШЛОҚҚА СОВҒА

АНГРЕНДАН ўттиз километр узоқликдаги Лашкерак қишлоғида 180 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб биноси қад кўтарди.

Шаҳардаги 3-механизацияланган қурилиш ташкилоти бунёд этаётган маъзур иншоотда ҳозир пардозлаш ишлари ниҳоятга етай деб қолди. Бундан ташқари қишлоқдаги 30-умумтаълим мактабидан 272 миллион сўмлик реконструкция ва мукамил таъмирлаш ишлари бажарилди.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

МАКТАБ таълимни ривожлантириш Давлат умумий таълим муассасаларини капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, уларнинг моддий-техник базасини бойитиш ишлари изчиллик билан амалга оширилмоқда.

БИР ЙЎЛА УЧТА МАКТАБ

Туманимизда дастурга мувофиқ 2008 йилда учта мактабда капитал реконструкция ва учта мактабда капитал таъмирлаш ишлари олиб бориш режалаштирилган, – дейди Бекобод тумани халқ таълими бўлими мудири Усарали Эралиев. – Маъзур мактаблар белгиланган вақтда фойдаланишга топширилмоқда. Айни пайтда уларни замонавий талаблар асосида жиҳозлаш билан бирга ободлаштириш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

Биргина "Мавлонов" фермерлар уюшмасининг ўзидан учта мактаб капитал реконструкция қилинди. 19-мактабда катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали кўмағида "Галаба" фермерлар уюшмасидаги 46-мактабда ҳам янги спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди.

У.А.

ТАДҚИҚОТЧИЛАР САФИ КЕНГАЯДИ

Вилоят давлат педагогика институтининг "Шарқ тиллари ва ёзма манбалари" кафедрасида "Ёш олимлар клуби" иш бошланди. Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил топган бу клуб кўпгина ўқув адабиётлари билан таъминланди.

Шу ўқув йилидан эътиборан институтда янги йўналишдаги аспирантура фаолиятини бошлади. "Фольклоршунослик" ва "Ўзбекистон тарихи" мутахассислиги бўйича ёш олимлар тайёрлаш билан шуғулланиш жараёнида янги тадқиқотлар яратилди.

Ақбар АЛИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИЯ ҲАРАКАТИ

ТОШКЕНТДА 2 август кuni "Ўзбекистон экология ҳаракати" жамоат бирлашмасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан делегатлар иштирок этди. Улар орасида жамоат ташкилотлари фаоллари, етакчи экологлар, экологик ҳуқуқ ва соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органлари депутатлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари бор эди.

"Ўзбекистон экология ҳаракати" жамоат бирлашмасини ташкил этиш госяси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида эколог олимлар,

нодавлат ташкилотлар фаоллари, таълим, соғлиқни сақлаш, ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари ҳамда фермерлар иштирокида ўтказилган семинарлар, давра суҳбатларида кенг ва ҳар томонлама муҳокама этилди. Бундан кенг жамоатчилик, иход аҳли, депутатлар корпуси фикри ҳам ўрганиб чиқилди. Ушбу тадбирларда билдирилган фикрлар, истак ва тақлифлар ҳақиқатини конференцияда муҳокама этилган Низоми ва Дастури лойиҳалари асосини ташкил этди.

Янги ҳаракатнинг асосий шiori "Соғлом муҳит – соғлом инсон" деб ҳисобланган конференция иштирокчилари Ўзбекистон экология ҳаракати ўз фаолиятини амалга оширишда эътибор қаратиши лозим бўлган вазифаларни белгиледи.

Конференцияда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди – Марказий кенгаш, Марказий назорат-таътиш комиссияси аъзолари сайланди.

Тадбир якунидан сунг бўлиб ўтган Ўзбекистон экология ҳаракатининг янги сайланган Марказий кенгаши янги мажлисида ҳаракат Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, унинг раиси ва ўринбасарлари сайланди. Ҳаракат Марказий кенгаши ва Ижроия қўмитаси таркибига мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан вакиллар сайланди.

У.А.

Оилавий таълим дастури



Ақром АЛИМОВ.

«БОШҚИЗИЛСОЙ»ДА ЗАМОНАВИЙ ОМБОРХОНА

«БОШҚИЗИЛСОЙ» агрофирмаси нафақат Паркент тумани, балки вилоятимизда ҳам яхши танилган. 200 дан ортиқ фермер хўжалигини бирлаштирган бу агрофирма ўз ваколати доирасида ҳаваскор бобгонлар, дала-ҳовли, шахсий томорқа соҳиблари билан ҳам алоқани кенг йўлга қўйди.

Натижада узумчилик ва мева-сабзавотчилик билан шуғулланаётган деҳқон хўжалиқларидан кўплаб махсулот қабул қилиб олишга эришилмоқда.

Имтиёзли кредитлар ҳисобига «Бошқизилсой» агрофирмасида мева-сабзавотлар, томат ва шарабатлар сақлашга мўлжалланган замонавий омборхона ҳам бунёд этилди.

У.А.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

ЗАНГИОТАДА ТАЙЁРЛАНГАН МАЗАЛИРОҚ

ЎЗНИНГ жазирама иссири заптига олган шу кунларда соя-салқин жойда ўтириб, яхдек музқаймоқ ялагани не етсин! Айниқса, у Зангиота тумани Назарбек қишлоғи Лойиҳачи кўчасида жойлашган "Muzimpex" Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган бўлса.

"Mini Melts" – бу Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ҳамда Осиёнинг 30 дан зиёд мамлакатидан энг машҳур бўлган музқаймоқ савдо белгиси. Мана, ниҳоят, Мустанқил Давлатлар Ҳамдўстлиги бўйича биринчи марта Ўзбекистонда бундай музқаймоқларни тайиб қилиш имконияти туғилди. Бунга "Mini Melts" хорижий компанияси ва "Muzimpex" қўшма корхонаси ўртасидаги ўзаро манфаатли келишув асос бўлди.

Мини сезади. Қизил рангли бўлса олма таъми, сариқ бўлса банан мазаси дегандек. Хуллас, махсулотларини муз турли ранг ва таъзда музқаймоқсеварларни хушнуд этади.

Депутат ва ҳаёт

ЁНДОШУВ ЧУҚУР, ХУЛОСАЛАР АМАЛИЙ

МАМЛАКАТИМИЗДА эркин фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва мустақамлашда халқ депутатлари кенгашлари, улар томонидан тузилган доимий комиссияларнинг фаолияти алоҳида ўрин тутаётди. Зеро, улар давлат бошқарувида кенг жамоатчилик, жамиятдаги барча сиёсий қучлар ва ҳаракатлар иштирокининг тимсоллига айланган.

Улар сайлаб қўйган вакиллар – халқ депутатларининг ташаббускорлиги, давр кун тартибига қўяётган муаммоларни ҳал қилишдаги қўнқачлиги тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Улар амалдаги қўнқачлик ижросини, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги аҳолини ўрганиб, ибратли тажрибаларни ёймоқдалар, ишдаги камчилик ва нуқсонларини бартараф этишга қаратилган тақлиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқмоқдалар.

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш, ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари доимий комиссияси бу борада қизгин иш олиб бораётди. Унинг таркибидан 14-Трансформаторчилар сайлов округидан депутат Миллабой Бойметов, 16-Янги ҳаёт сайлов округидан депутат Хусниддин Раҳмонов, 33-Дўстобод сайлов округидан депутат Муқаддас Зокирова сингари малакали мутахассислар, тажрибали ташкилотчилар самарали фаолият кўрсатишаёлри.

Комиссия иши қатъий режа асосида, йўлга қўйилган, – дейди доимий комиссия раиси, 52-Олмазор сайлов округидан депутат Аддиба Аҳмадзонова. – Унда вилоятимиз ижтимоий, маънавий-маданий ҳаётининг етакчи йўналишлари камраб олинган. Вилоят кенгаши сессиялари муҳокамасига киритилган ҳар бир масала депутатлик ишчи гуруҳлари томонидан мутахассислар иштирокида тайёрланмоқда. Натижада ама-

лиқ қарорлар қабул қилиниб, жойлардаги аҳвол, қонун, фармон ва қарорларнинг ижросига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалалар мажмуаси ҳам ўрганиб чиқилди. Ушанда доимий комиссия Фармон ижросига қаратилган Ҳаракат дастурларини амалга ошириш жараёнида ижобий натижаларга эришилаётганлигини аниқлади. Айниқса, аёлларни иш билан таъминлаш, улар учун янги иш ўринлари яратишга эътибор қўйилди. Шаҳар ва қишлоқларда касаначилик асосида аёллар фойдали меҳнатга жалб қилиб борилаётди. Натижада дастлабки 9 ойда 19 минг 219 аёл ишга жойлаштирилиб, режа 116 фоиз бажарилди.

Комиссиямиз масалани ўрганишга атофлича ёндашиб, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар ўртасида диний экстремизм, ақидапарастлик, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги аҳолини чўқур таҳлил қилиб чиқди, – дейди Аддиба Комилзонова. – Ҳуқуқ-тартибот идоралари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг маҳаллий бўликлари ҳамкорлигини кучайтиришга доир тақлифлар киритилди. Масалани сессияда кўриб чиқиш чоғида Чирчиқ ва

Бекобод шаҳарлари, Бўка, Янгийул, Тошкент туманларида хотин-қизлар ўртасидаги жиноятчилик ортиб бораётгани кўрсатиб ўтилди. Комиссия айрим нотинч оилалар, жиноят йўлига кирган аёллар билан мунтазам тарбиявий иш олиб боришда маҳаллалар, ички ишлар идоралари, хотин-қизлар қўмиталарининг ҳамкорлиги ҳаммага ҳам етарли бўлмаётганига депутатларнинг эътиборини қаратди. Ёшлар йилида яна бир муҳим йўналиш – васийлик ва ҳомийлик идоралари томонидан "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун талабларининг бажарилиши ўрганиб чиқилди. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари томонидан амалга оширилиб, унда доимий комиссия аъзолари бевосита иштирок этишди. Депутатлик гуруҳи аъзолари вилоятда васийлик ва ҳомийлик аҳолини ҳар жиҳатдан ўрганишди. Асосий эътибор васийлик ва ҳомийликдаги болалар мол-мулкни бошқариш ва сақлаш, бундай болаларга нафақалар тайинлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоялаш масалаларига қаратилди.

Масала Сенат аъзолари билан халқ депутатлари вилоят кенгашининг қўшма йиғилишида муҳокама қилинди. Вилоят кенгаши доимий комиссиясининг раиси Аддиба Аҳмадзонова ўз маърузасида масалани атофлича ёритиб, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишини янада яхшилашга қаратилган мулоҳазаларни илгари сурди. Доимий комиссия йиллик режа-ассосидаги фаолиятини давом эттирмоқда. Шаҳар ва туманлардан олинган мурожаатномалар билан ишлаш изчил йўлга

кўйилган. Уларда кўтарилган масалалар ҳозиржавоблик билан ҳал қилинаётди. Биргина мисол: Чиноз тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Насиба Қорабова кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларига моддий ёрдам кўрсатишни сўраб доимий комиссияга мурожаат қилди. Бунга жавобан Чиноз, Олмазор, Қўтарма, Ўзбекистон қишлоқлари фуқаролар йиғинлари ҳудудларида яшовчи 34 болага ёрдам кўрсатилди.

Депутатларнинг ўз сайловчилари билан уршувлари чоғида кўтарилган масалалар ҳам ишчиллик билан ҳал қилинмоқда. Бу жараёнда ёшларнинг маънавий қамолоти ҳаммашидиқат марказида турибди. Жумладан, доимий комиссия томонидан Тошкент Давлат аграр университетидан Республика Президентининг миллий гоа тарғибий ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётгани ўрганилди. Унинг натижалари Ижтимоий фанлар кенгашида муҳокама қилинди. Шу уршув чоғида университет профессор-ўқитувчилари Ёшлар йилида вилоятда амалга оширилаётган кўламли ишлар билан ҳам таништирилди.

Шу кунларда доимий комиссия болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш масалаларини ўрганаётди. Унинг аъзолари оромгоҳларда бўлиб бу ишни янада яхшилаш юзасидан амалий тақлифлар киритишмоқда. Бу масала доимий комиссиянинг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиш учун тайёрланаётди.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

ТАЪРИФИГА СЎЗ ОЖИЗ

ДУНЁДА ҳар нарсанинг ўлчови, мезони, баҳоси бўлади. Лекин, бир неъмат борки, унинг таърифига сўз ожиз, баҳосига ҳеч қандай ҳазина, буюк етмайди. Бу – Она сутидир. У инсон вужудини улуглик ва юксаликка элтувчи меҳр булоғи, тириклик сарчашмасидир.

Инсон омилли устувор бўлган Ўзбекистон дёбирида ҳар қандай саъй-ҳаракат айланган инсон қамолоти, салоҳияти-омонлиғига қаратилган. Халқаро Болалар фонди ЮНИСЕФ ташкилоти ва Ўзбекистон давлати ҳамкорлигида болага гам-хўрлик қилишининг асосий йўналишлари борасида ўн йил давомида кўламли ишлар амалга оширилди. Шу кунларда, (1-7 август) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро болалар фонди (ЮНИСЕФ) ташаббуси билан Болани кўкрак сuti билан боқиш жаҳон ҳафталиги ўтказилмоқда. Маъзур тадбирнинг максимал ҳақида ташкилотнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Махбуб Шариф шундай дейди:

Кўкрак сuti гўдак ҳаётининг дастлабки олти ойи мобайнида ўта муҳим, ягона озуқа ҳисобланади. Она сuti чақалоқларни, ёш болаларни хавфли касалликлардан сақлашда ёрдам беради. Унинг усини ва ривожланишида энг муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Ҳақиқатан ҳам оналик бахти насиб этган аёл борки, зурриятини кўкрак сuti билан боқишдан лаззат топади, унинг ҳимояси йўлида жонини фидо қилади. Лекин, ўз хузур-ҳаловатини худбинона хою-хавасда деб биладиларлар ҳам борки, бола парварлигини қандай йўл билан бўлсада, уларнинг қорнини тўйгазишда деб ўйлашади. Кўкрак сutiнинг ўрнини боса олмайдиган бошқа воситалардан фойдаланишади. Натижада мурғак вужуд турли қусур, микро-бларга мубталло бўлиб, юкумли касалликларга тез-тез чалинадиган бўлиб қолади. Аслида янги туғилган чақалоқ, айниқса, олти ойгача фақат она сuti билан озиқланиши лозим,

Шунинг учун уни табаррук, мўътабар, муқаддас дез улуглайдилар, ҳазолийнинг асла, ягона тимиоли сифатида эъзозлайдилар. Алаҳқус, "Она сутидек ҳалол" дейилишида ҳам ҳикмат кўп. Зеро, ёрғун дунёнинг илк насибаси, жон малҳами – бу!

Бошқа ҳеч қандай ичимлик ёки судтан фойдаланиш мумкин эмас. Илгарилар бунга етарлича эътибор берилмаган, болани суяғи озиқлантириш оддий ҳол бўлиб қолган эди. Ўтказилаётган ҳафталик эса, айнан мана шу ҳолатларнинг олдини олишга қаратилганлиги билан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Болани кўкрак сuti билан боқиш жаҳон ҳафталигида фаол қатнашаётган Тошкент вилоятида, – дейди вилоят бош педиатри Раъно Ҳақимова, – сўнги икки йил ичида боласини кўкрак сuti билан боқётган оналар 65 фоиздан 80 фоизга кўпайди. Натижада, гўдаклар ҳаёти хавфсизлиги бир қадар кўтарилди. Юкумли касалликларга, хусусан, ўткир ичак хасталигига чалиниш хавфи камайди...

Дарвоқе, натижалар ёмон эмас. Аммо, табиятан бола-

Сайёра ЭШМАТОВА.

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси охири бориш тартибидан ўтказилаётган очiq аукцион савдосига тақлиф этади!

2008 йил 26 август кuni соат 11:00 да бўлиб ўтадиган тақрири аукцион савдосига суд ижроичилари бўлими томонидан кўйилган автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- 1. Тошкент вилояти, Тошкент тумани суд ижроичилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент тумани судининг 07.03.2008 йилдаги 76-сонли иқро варақасига асосан хатланган, Тошкент тумани, Тошкент ш/х, Минвода кўчаси, "Кандрат-Давооб" ЖК омборида сақланаётган, "УАЗ-3303-01" русумли, д/р 10 У-2962 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 750 000 сўм.
2. Тошкент вилояти, Бўка тумани суд ижроичилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 12.02.2007 йилдаги 11-0706/1090-сонли буйруғига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўка тумани ДСИ ҳовлисида сақланаётган "ГАЗ-31029" русумли, д/р 11 АК 911 бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 806 942,30 сўм.
Маъзур автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижроичилари бўлими вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиб-муамма. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талаб ёрлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўзатилди.
Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлган ҳолларда зақалат пулини ҳар бир мулк улоғи алоҳида тартибда тулов ҳужжатида иқро ҳужжати рақами ва санасини қўлдан ҳолда РКМБнинг АТ "Ипотекбанк"нинг С. Раҳимов фа-даги қўйилган ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт. МФО 06901, ИЛН 200933850, 20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ураббев кўчаси, 1-А уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

**ИНСОНИЯТ тарихининг ибтидоий давридан бошлаб то ҳозирги кунга қадар босиб ўтилган олимп тараққиёт йўлини ҳаёлан тасаввурда гавдалантирсак, бизни ўраб олган жамикчи йирик ва митти дунёнинг бемисл ўзгаришлар жараён эканлигини кўрамиз. Бу жараённинг аҳамиятини иккинчи жумлада айтиб ўтиш мушкул, лекин унинг бош талафотларидан бири аниқ — инсон табиатининг фарзанди бўла туриб, тараққиёт туйғули эндиликда табиатнинг беҳад бойликлари орасида ёлғизлини қўлиш ҳафти тугилмоқда.**

Табиатнинг бутун кўркую жозибаси, жонсизу жонли унсурларини асраб-авайлаш, улар билан инсон ҳаёти ўртасида ажойиб бир уйғунлик яратиш бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўра муҳимроқ бўлиб бормоқда.

Тўғри, биргина мақолада табиат ва инсон муаммоларининг барчасини қамраб олиш қийин. Ҳозир эса унинг айрим қирралари, бевосита республикамиз табиати ва шароитига доир жиҳатлари ҳусусидагина тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик.

“Табиати асраш” деганда кўпчилик даставвал сув ва ҳавони, ҳайвонот ва ўсимлик олами муҳофазалаш деб тушунади. Агар шу ибора замирига чуқурроқ кириб борсак манзара ниҳоятда кенглигининг гувоҳи бўламиз. Демак, ҳайвонот олами тушунчаси фақат ёввойи, йирткич жонотлар билан чекланмасдан чорва молларидан тортиб то сув ости салтанатида яшайдиган баилқлар, ҳатто шиллиқ-қуртларга ҳам мансубдир. Бирорта ҳайвон ё бирор ўсимлик турининг, локал мў-

инсон бўлмаса керак. Матбуотда бу ҳақда кўплаб мақолалар босилган. Зеро, “Қизил китоб” одамларни хушёрликка, ғамхўрликка ундовчи, виждон амри билан иш тутишга чорловчи омилига айланган.

Бу китобга назар ташласак, қолпон асосан Кавказда, Туркманистонда, Бухоро бугуси Амударё ва Сир-

ташкил этиш йўли, билан сақлаб қолинадиган ўлкамиз наботот оламининг ноёб турларига айланиб қолди. Ҳозирга келиб Туркманистон ноки, ёввойи анжир, анзур пийёзи, ёввойи бодом, Шарқ чинори каби дов-дарахлар ҳам қамайиб кетган. Учратилиши қийин бўлган бу нъматларни асраш ҳамда кўпайтириш учун турли селекция тажрибаларини ўтказиш лозим.

Бундан ташқари, минтақа ва туман табиати муҳофазаси қилиш кўмиталарининг давлат инспекторлари томонидан “Қизил китоб”га киритилган ҳайвон ва ўсимлик турлари билан аҳолини таништириш, ов мавсуми пайтида муддатларга риоя қилишнинг аҳамияти, умуман табиат бойликларига эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш, кези келганда эса буларни писанд қилмайдиган ҳамда табиатга жиддий шикаст етказган ҳуқуқбузарларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда жазо қўлланилишини кенг оммага етказиш керак.

Ҳа, албатта, эзгу ниятларимизни амалга ошириш учун имкониятлар бор, фақат уларни бажариш истаги бўлса бас. Ана шундагина, биз кўзлаган мақсадлар кўнгилдагидек натижа бериши мумкин.

**Азиз АЗИМОВ, вилоят табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси давлат инспектори.**

# МИНГ МАРТА АЙТСАК ҲАМ КАМ

жазгина табиат гўшасининг ер юзидан йўқолиши экологик кемтикликка сабаб бўлади. Бу ҳолатни одамлар жиддий йўқотиш деб ҳис қилмоқлари керак.

Инсон пайдо бўлгандан бошлаб, аксари ҳайвонларни гўшти, териси учун ёки хавфли йирткич деб билиб, турли йўллар билан йўқ қилишга одатланган.

Йирткич ҳайвонларда яшаш учун курашиш жараёнида сунъий танланмиш юз беради, яъни турлар соғломлашади, айна вақтда табиатда бир-бирига боғланиш қонуни сақланади.

Ана шундай йирткичларнинг номи эзир этиладиган “Қизил китоб”ни билмаган

дарё бўйларидаги ўрмонларда учраган бўлиб, кейинчалик қирилиб кетган эди. Булар “Қизил китоб”га киритилганидан сўнг кўпайиб бораётганини кўрамиз. Ўлкамизнинг тоғли ҳудудларида бир вақтлар гала-гала бўлиб яшайдиган қаклик, кирговул, бедана хавотирли даражада қамайиб кетганлиги эндиликда бизни хушёр тортиши зарур.

Дарвоқе, инсоният муҳофазасига муҳтож бўлиб қолган, акс ҳолда уруғи бутунлай йўқолиб кетиш арафасида турган ўсимлик турлари анчагина. Чунончи, лоза, зирк, чата бўласимон астрагал, ёввойи анор эндиликда махсус кўриқхона



## ЎЗ ИШИНING БИЛИМДОНИ

**Суратда мамнун кулиб турган Илҳом Азимовни нафақат Бўка туманида, қолаверса, бутун вилоятда тажрибали ва маҳоратли эколог-мутахассис сифатида хурмат билан тилга олишад. У Бўка тумани табиати муҳофазаси қилиш кўмитасида 20 йилдан буён самарали меҳнат қилиб келаётди.**

Унинг бевосита иштирокида туманда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофазаси қилиш, ер ва сув манбаларидан оқилона фойдаланиш масалаларида яхшигина курсаткиларга эришилган.

Унинг айтишича, у яна қўли гул бобон экан. Бирон дарахга қараб, унинг неча ёшдалигини, қачонлардир шикаст етган-етма-

ганлигини, қандай парвариш қилиш кераклигини бемалол айта олар экан. Шу фаилати сабаб у ўз хонадонидан мўъжазгина бог яратган. Бу ерда олмадан тортиб бодомгача, кишимиш узумидан тортиб аноргача кўзгиз тушиши мумкин.

**Еркебой БОТИРОВ**  
олган сурат.

## ОММАЛАШСА АРЗИЙДИГАН ТАШАББУС

**ОЛМАЛИҚ шаҳар халқ таълими бўлими тизимида ёшларга экологик таълим-тарбия беришга алоҳида эътибор билан қаралади.**

Жумладан, шаҳардаги 18-умумтаълим мактабда ўқувчиларга экологик билимлар ўргатиляпти.

Яқинда мактаб жамоаси — республика Халқ таълими вазирлиги, Қори Нибёйи номидаги педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ҳамда Қонар Аденузур халқро жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган “Экология ва ёшлар” мавзусидаги семинар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. “Экологик муаммоларни ҳал этишда ёшларнинг иштироки” мавзусида тадбир ўтказилган, ўқувчиларнинг шаҳар экологиясини асраб-авайлашга бўлган қизиқишлари янада ортди.

Ўқувчиларнинг табиатга муносабатини амалий ишларда шакллантириш мақсадида ташкил этилган экологик ҳашарлар ташаббускори шаҳар халқ таълими бўлимининг. Бундай ҳашарлар ҳар йили икки марта ўтказилади. Жумладан, шу йилнинг баҳор ойидаги ҳашарда 22 минг ўқувчи ва ўқувчи фаол иштирок этди. Ҳашарчилар ойлик доирасида муассасалар ҳудудида 12 минг туп манзарали ҳамда 6 минг туп мевали дарахт кўчатлари экишти. Худуд атрофидаги чиқиндилар олиб чиқиб ташланди.

— “Орол муаммоси ёшлар нигоҳида” иншо-лар танлови, “Гуллар ва қўшлар байрами” ҳамда “Томчи сувда ҳаёт жилваси” каби танловларни ўтказиш, ўқувчиларда она-табиатга муҳаббат уйғотиш билан кифояланиб қолма-якмиш, — дейди шаҳар халқ таълими бўлими мудири Сафарали Тўрақулов. — Улардан кел-гусида эколог-мутахассислар етиштириб чиқариш учун ҳозирданок замин яратиш ҳаракати-дамиз.

Дарвоқе, ўтказилаётган турли тадбирлар, танловлар ёки оқиқ соатларда қуруқ гап билан вақтни беҳуда ўтказишга йўл қўйилмайди. “Экология оламига қизиқарли саёҳат”, “Соғ-лом турмуш тарзи асослари ва оила” қўллан-малари тадбирларни янада мазмунли ўтказишда асос бўлмоқда.

Хуллас, шаҳар халқ таълими бўлими тизи-мида келажак авлодга экологик таълим бери-ш, шу асосда тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар таъкидлашга аргизилма-ди. Истардики, бошқа шаҳар ва туманларда ҳам шундай ташаббуслар давом этса.

**Абдурайим АЙМАТОВ,**  
Олмалиқ минтақавий табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси раиси.

# Табиат ва ИНСОН

Тошкент вилояти табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси саҳифаси

**ВИЛОЯТИМИЗ Ўзига хос мўътадил табиати, бетакорр ҳайвонот дунёси ҳамда наботот оламига эга Паркент туманида жойлашган Чотқол кўриқхонасини ушбу**

**гўзаллик бағридаги жавоҳир дейиш мумкин. У нафақат юртдошларимизда, балки хорижлик фуқароларда ҳам қизиқиш уйғотмоқда.**

## ПАРКЕНТ ЖАВОҲИРИ

Кўриқланадиган мазкур табиий ҳудуд 1947 йилда ташкил этилган. Чотқол тизмасининг гарбий ва шимолий ён бағирларидаги бу кўриқхона Тошкентдан Шарққа қараб 60 километр масофада жойлашган. Унинг майдони 35724 гектар бўлиб, тахминан пойтахт-тимиз эгаллаган майдонга яқин. Асосий сув манбалари Бошқизилсой ва Тереклисой бўлиб, улар баланглиги денгиз сатҳидан 3800 метргача етадиган чўққилардан бошланади. Бундай балангликда ёзда ҳам қор бўлади. Тоғ оқим-лари ўз йўлида кенг эстаниб ётган яйловлар, игнабаргли ва ял-роқли ўрмонлар, тоғли чўллар ёки ярим саваннанинг вертикал таби-ий минтақаларини кесиб ўтади.

ланган қояларга ўйилган кўлаб қадимий тасвирлардир. Кўриқхона ҳодимлари ҳудудни муҳофазаси қилишга қўлмай, ил-мий тадқиқотлар ҳам ўтказадилар. Улар ҳайвонлар ва ўсимликлар ҳаётида содир бўладиган барча табиий жараёнлар кайд қилинади-ган “Табиат йилномаси”ни олиб борадилар.

Кўриқхона табиати жуда бой ва хилма-хил. Унинг ҳудудида ўсим-ликларнинг 1136 та тури учрай-ди. Уларнинг бир қанчаси ўзининг ноёблиги билан Ўзбекистон Рес-публикаси “Қизил китобига” кир-итилган. Бу Пском пиёзи, бо-лаларнинг бир неча тури, Бош-қизилсой анжабори, Минквеч те-зиуими, нор ширач, ёввойи салла-гул, ёввойи узум ва бошқалар-дир. Бу ердаги ўсимликларнинг қўли доривор хусусиятга эга бўлиш билан бир қаторда асалга ҳам бой.

нинг 40 дан ортик оиладошларини киритиш мумкин. Кўриқхона ҳудудида йирик ҳайвонлардан айик, тоғ эрикси (тоғ қор-лон), ёввойи чўчка, елик ва бўри-нини кўриш мумкин. Тоғ тепалари-да яшайдиган йирик кемирувчи Менабир суғури жуда ноёб ҳисоб-ланади. Суғур ва тоғ қолпони йўқолиб кетиш олдига турган ҳай-воллар сифатида халқро “Қизил китоб”га киритилган. Бургут, тас-кара, оқбошли кўмой, илонхўр бургут ва қарғича каби йирткич қўшлар ҳам тез-тез учраб тура-ди.

Мазкур ҳудудда кам ўрғанил-ган ҳайвон турлари кўлаб учрай-ди. Уларга умуртқасиз ҳайвонлар-нинг 1000 дан ортик ва умуртқа-силарнинг 232, баликларнинг 4, амфибияларнинг 2, судралиб юр-увчиларнинг 19, қўшларнинг 160 турини ва сўт эмизувчилар-

**Нафиса МИРЖАМОЛОВА,**  
Паркент тумани табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси давлат инспектори.

## БУЮК НЕЪМАТГА ОҚИЛОНА МУНОСАБАТ

Одамлар овчилик ва теримчилик билан шу-гулланишга одатланган даврдан бошлаб табиати нузувчи омилга ай-ланишган. Қадимда дехқон биринчи донни ерга ташлаш билан та-биати ўзгартира бош-лаган. Демак, ўша узоқ даврлардан табиати муҳофазаси қилиш зару-рати ҳамда экологик му-аммолар вужудга кела бошлаган. Ҳозирги кун-да долзарблик касб этаётган экологик му-аммолар илдизи ҳам ўша узоқ замонларга бориб тақалади. Ушбу мурак-каб масалалар ҳар бир инсон, ҳар бир авлод олдига ўзининг ечим-ини талаб қилиб келган ва келмоқда.

хаво қанчалик зарур бўлса, сув ҳам унинг ҳаёт фаолияти учун шунчалик керак. Чунки, организм хужайра ва тўқималари-да ҳаётий, биокимёвий жараёнлар фақат сувли муҳитда содир бўлади. Шунингдек, санаот ва ишлаб чиқариш қорона-ларининг техноложик жа-равёнлари учун ҳам сув талаб этилади.

Табиати муҳофазаси қилиш борасида бо-боларимизнинг ҳам қиз-матлари беқўёс бўлган. Хусусан, буюк инсонлар-вий ширимиз Алишер Навоий машҳур фалса-фий-дидактик мавзудаги “Ҳайрат ул-аброр” аса-рида экологик ахлоқ ҳамда табиатга онгли ёндошув асосларини кўрсатиб ўтган. У бу асарнинг биринчи мақо-лада табиати балан ва гўзал қасрга қўёсла-ди. Ушбу қаср гумбазий-

Масалан, бир банка сабазот консервасини тайёрлаш учун 40 литр, бир тонна пўлат олиш учун 265 литр, бир тонна мис олиш учун 227 литр сув керак бўларкан. Ер кўрриси эса бир кеча-кундузда етти миллиард кубометр сув истеъмол қилади. Энг қизиғи, бун-дан сайёрамиздаги сув-нинг умумий ҳажми умум-ан қамаймайди. Чунки сув ресурслари тугайма-диган бойликлар. Шу-нингдек, бутун инсоният-га сув тақчиллиги ҳавф солаётгани йўқ, балки уни тоза ичимлик суви етишмаслиги муаммоси ташвишга солаётди.

Шу боис, барчамиздан ҳар қандамда сувни исроф қилмаслик, табиатга хур-мат билан қараш талаб этилади.

**Ёркиной ҲОТАМОВА.**

## БУ ҲАВО — СИЗНИКИ ВА БИЗНИКИ

**АТМОСФЕРА ҳавосининг ифлосланиши ҳозирги кунга келиб глобал муаммага айланиб бормоқда. Табиатда иқлим ўзгариши, зарарли чиқиндиларнинг кўпайиши, экологик мувозанатнинг бузилиши эса инсониятни ташвишга солиб келаятган муаммони янада чигаллаштиряпти.**

Йилдан-йилга автотранс-порт воситаларининг кўпайи-ши, техник носоз транс-портларнинг йўлга чиқиши атмосферада зарарли модда-лар кўпайишига олиб кел-моқда. Шу боис ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат кўмитаси, Ички иш-лар ва Соғлиқни сақлаш ва-зирликлари томонидан 2 босқичли аниқланган “Тоза ҳаво” тадбири ўтказиб кели-наётди. Бундан қўзланган мақсад автотранспорт воси-талари чиқараётган зарарли тугун ва газларни озайтириш, носоз ҳолатга келган транс-порт воситаларини таъмир-лаш, шу йўли билан ҳавонинг ифлосланишини қамайти-ришдир.

Шу йилнинг 10 апрели-

ят табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси ҳодимлари сайё-ҳаракати билан вилоят ҳуду-дида жойлашган автотранс-порт воситаларидан фойда-ланувчи, уларга техник хиз-мат кўрсатувчи ва ёқилга қуйиш шахобчаларида “Тоза ҳаво” тадбирининг II босқич-ини ўтказиш кўзда тутилган. Бунинг учун вилоят ҳудуди-да жами 9 та блок ҳамда 8 та ҳаракатдаги ИПХ маскан-лари ташкил қилинмоқда, йўлларда панно, плакатлар осилмоқда. Шаҳар ва туман кўчаларида тадбирни тарғиб қилувчи шиорлар ўрнатил-моқда.

Кўни кеча вилоят табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси-да тегишли мутахассислар иштирокида “Тоза ҳаво” та-дбирига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда вилоят та-биати муҳофазаси қилиш кўмитасининг барча давлат инспекторлари қатнашди. Йўғилишда тадбирнинг I бос-қич якунлари кенг муҳокама қилинди. Қўлга киритилган ютуқ ва камчиликлар юзаси-дан батафсил маълумот бе-рилди. Тадбирнинг II босқи-чи даврида қилинажак иш-лар, автотранспорт воситала-ридан чиқаётган зарарли газ ва тугунларни кескин қамай-тириш мақсадида махсус чора-тадбирларни қўллаш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди.

Шу муносабат билан бар-ча меҳнат жамоаларида ҳар бир фуқарони “Тоза ҳаво” тадбирида фаол иштирок этишга жалб қиламиз. Зеро, табиати асраш ҳар бир ин-соннинг бурчидир. Она-та-биятимизни асраш аввало ўз қадримизга етиш демакдир.

**Адҳам ҚУРБОНОВ,**  
вилоят кўмитасининг атмосфера ҳавосини муҳофазаси қилиш инспекцияси бошлиғи вазифини бажарувчиси.  
**Фотима ШОДМОНОВА,**  
1-тоифали мутахассис.



## ОЧИҚ ВА ОШКОРА РУҲДА ЎТДИ

Йўғилишда республика таби-ати муҳофазаси қилиш давлат кўмитаси раиси Борий Алихоннов иштирок этди.

мониторинг дастурларининг иж-роси масалалари муҳокамаси йўғилиш кун тартибидан жой олди.

Соҳага тегишли қонун ҳуж-жатларининг ҳўжалик оритувчи субъектларда бажарилиши усти-дан давлат назоратини ўрнатиш, кадрларни тайёрлаш ва улар-нинг малакасини ошириш, тек-ширишларни режа-жадалга асосан амалга ошириб, уларнинг самарадорлигини таъминлаш, давлат инспекторларини иш билан банд қилиш, атроф та-биий муҳит бўйича ҳудудий ва

муҳокама қилинди. Эришилган ютуқлар алоҳида таъкидланиб, йўл қўйилган ҳато ва камчилик-лар ошқора айтилди. Қолавер-са, бошқа ҳудудлардан келган ҳамкасбларимиз билан ўзаро тажриба ва фикр алмашиш им-кониятига эга бўлдик. Келгуси-да ана шу кўниқмалар асосида ишда бурилиш ясаш борасида фикрлашиб олинди.

**Саҳифасини вилоят табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси мутахассиси Қобилжон СОКИБЕВ ва “Тошкент ҳақиқати” муҳбири Хуришда НАЗАРОВА тайёрлади.**

ЎЗБЕКИСТОН ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БАХТИ

Пекинда ўтадиган Олимпиада ўйинларида 58 нафар олимпиядочимиз юнон-рум ва эркин кураш, бокс, дзюдо, тазквондо (ВТФ), оғир атлетика, ўқ отиш, спорт гимнастикаси, байдарка ва каноэда эшак эшиш, трамполин, вело-спорт-шоссе, сузиш, академик эшак эшиш, енгил атлетика ва теннис каби ўн беш спорт тури бўйича Ванангимиз шарафини ҳимоя қилади.

Спортчиларимиз Олимпиада ўйинларига пухта тайёргарлик кўриши учун барча шарт-шароит яратилди. Хамюртларимиз юздан зиёд ўқув-масгулот йиғинларида жисмоний, тактик ва техник тайёргарлик машгулотларини ўтади.

Пекин Олимпиадасида иштирок этадиган йигит-қизларимиз орасида Олимпиада ўйинлари ва жаҳон чемпионатлари галиб ва совриндорлари - эркин курашчилар Артур Таймазов, Дилшод Мансуров, боксчилар Аббос Атоев, Баходир Султонов, Дилшод Махмудов, каноэда эшак эшиш бўйича Осиё ўйинлари ва



китъа чемпиони Вадим Меньков, ўсмирлар ўртасида баландликка сакраш бўйича жаҳон биринчилиги галибаси Светлана Рази-вил, югуриш бўйича китъа мизининг энг кучли спринтерларидан Гузал Хуббиева каби етакчи спортчиларнинг борлиги олимпиячиларимизга бўлган ишонччи янада оширади.

Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоиров спортчиларимизга Олимпиада ўйинларида юксак муваффақиятлар тилади ва янги шёрларидан ўқиб берди.

Тадбирда спортчилар номидан сўзга чиққан дзю-

до бўйича китъа чемпиони Абдулла Тангриев, тазквондо (ВТФ) бўйича Осиё ўйинлари галибаси Евгения Каримова ва бошқалар спортни ривожлантириш, спортчиларни ҳар томонлама рағбатлантириш борасида кўрсатаётган доимий эътибор ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовга миннатдорлик изҳор этиб, Олимпиада ўйинларида мамлакатимиз шарафини муносиват ҳимоя қилишга сўз берди.

Олимпиада ўйинлари - ҳар бир спортчи қатнашиши орзу қиладиган му-



собақа, - дейди ўқ отиш бўйича жаҳон кубоги соҳиби Дилшод Мухторов. - Лекин у фақат спорт беллашувларидан иборат бўлиб қолмай, дунё мамлакатларида спортни, олимпия ҳаракатини ривожлантиришда амалга оширилатган ишлар бераётган самараларни кўрсатадиган ўзига хос кўзгу ҳамдир. Олимпиада ўйинларида юқори натижаларни қўлга кириштириш тасодифан бўлмайди. Шу боис биз, спортчилар Олимпиадада озод ва обод юртимиз шарафини муносиват ҳимоя қилиши юксак бахт, деб биламиз. Ишончимиз қомилки, Пекинда эришажак натижаларимиз ҳам аввалги Олимпиадаларда қўлга киритилган ютуқларимиздан кам бўлмайди.

Зоҳир ТОШХҲУЖАЕВ, Холмурод САЛИМОВ, Ҳама мухбирлари.

Ҳаёт сабоқлари



Сабоҳатнинг орзулари чексиз эди. Кўзининг оқу қароси Шавкатни не-не орзу-ниятлар билан воғнага етказди. Емай едиргани, киймай кийдиргани бир сари, ўғай деган сўзининг кирғоғини кўрмасин, дея бошқа эр қилмади. Умрини ўғайга бағишлади...

Яратганга шукр, меҳнатларим зое кетмади, - деди бахтдан энтикиб онаизор акасига. - Шавкатимга ҳавас қилмаган, уни кўв қилишни орзуламаган оила кам. Энди, акажон, келинг, кизингиз Саодатни менга берақолинг...

Солиҳжон ёлғизгина синглисининг сўзини ҳеч икки қилмаган. Сабоҳат ҳам оилада ортиқча гап-сўзга ўрин қолдирмай, ўз ҳақини билиб ўсган киз эди. Ака-синглининг меҳр-оқибати эса кўнларнинг ҳавасини келтирарди. Солиҳжон бир қарашда ўта хоксор, меҳнаткаш синглисининг нега бундай қарорга келганини тушунмади. «Ахир бир ота-онанинг фарзандлари бўлсангиз... Қуда-андачилик тўғри бўлармикан?»

Ақанинг дилидан кечган фикрни кўзларидан уққан сингли шундай деди: - Озим-кўпни ўзимга яраша мол-мулким бор, уй-жойимга ўзиники эгаллик қилса дейман. Бегонадан кўра...

Шавкат ҳақиқатан ҳам ҳавас қилса арзиғудек, "кўвинг борми деса, бор" дегудек... Лекин бунинг оқибатини яхшилаб ўйлаб кўриш керак бўлади, синглим.

Мен яхшилаб ўйлаб кўрдим, ака. Ака-сингли, опа-ўка қудалар ҳам бор-ку? Болалари ҳам бинийидек.

Барибир таъсири бўлади, дейишди. Тагин "акам қизини мейдан аяди", деб ўйлама. Билсанс, сендан жонимни ҳам аямайман...

Раҳмат сизга, ака. Илоҳим, умрингиз узок бўлсин, бахтимга омон бўлинг. ...Ана шу воқеага ҳам оз эмас, кўп эмас 9 йил бўлибди. Тўғри, жияни бинийидек келин бўлди, ўзиники эмасми, ими-жиминда юрди. Лекин... "Худо бир томонини кам қилиб яратди" деганларидек, орзиқиб кутган невараси мана, беш йилдирки, юрмайди, оёқ-қўлини

тутолмайди. Бундан олдинги учтасини ҳам худо кўп кўрди, чилласидан чикарчиқмас нобуд бўлаверди. Энди, "Аллада азиз, тўрвада майиш" дегина невараси Шукуранининг ўқиски нигоҳларига чидолмайди Сабоҳат. Баъзан кенг ҳовли саҳни бола-бақрага тўлиб кетади. Неварасини кўвонсин деб ўзи етказиб қиради уларни. Шукурани уларни кўриб кўвонгандек бўлади. Лекин, болаларга қўшилиб югуролмайди, оёқ-қўлида мадор йўқ. Шифокорларнинг айтишича, туғма ногирон болалар дардига даво топиш мумкин.

Хаётда не-не тасодифлар, гаройботлар бўлмайди дейсиз! Юқоридаги фикрларимизни давом эттириб, яна бир воқеани айтиб ўтишни лозим кўрдик.

Бу оилага барча ҳавас қилади. Эр-хотин ўқимишли, зиёли, бири муҳандис, бири шифокор. Оиладаги тўрт фарзанднинг билими, одоби отизга тушган.

Аммо "тақдир синовлари" дан қочиб қутулолмаган бу хонадонга бир нохушлик соя солиб турарди: суксурдекки қизларни, тўнғич фарзанди Гулмиранинг бир жойда қимирламай ётиши ота-онанинг юрагини ўртади.

Ақлу ҳуши жойида, ҳар бир сўзи маъноли қизгинанинг юриб кетиши учун жонимни беришга тайёрман, - дейди ота армон билан.

Яратганининг синовими, ё жазоси, ҳеч ақлим етмайди, қайси гуноҳларим учун? - дейди онаизор.

Кўй, болам, - дейди қайнона ич-ичидан ўқиниб, - қолганлари омон-ку, уларнинг шукрини қилмайсанми?

Аслида, ўғлининг раъйига қарамай, қариндошдан қиз олган онанинг дарди ичиди: "Қани энди, вақтини орта қайтариб бўлса... Афсус, дунёда тузатиб бўлмас хатоларнинг азобидан оғирроқ кўргүлик бўлмасе керак."

Шу ўринда доноларимизнинг пурмаъно сўзларини келтириш билан мулоҳазаларимизни яқуллашас: "Одамларнинг яхшиси бегонадан қиз олади, бегонага қиз беради. Қариндошнинг кўпайиши бўлади. Бундайларни соҳир қалб, кенг фель, олижаноб амаллар эгаси дейиш мумкин."

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Бекажон

Болгарча салат (3-4 киши учун) Керакли масаллиқлар: 1 тадан қизил, сариқ ва яшил бўлур қалампир, 2 та саримсоқ бўлаги, мева сиркаси (таъбога кўра), укроп, салат мойи, корейс тузи.

Қалампирлар бош бармоқ ҳажмида тўғрилади, сарил мойида қовурилади ва совутилади. Устига майда қилиб тўғралган саримсоқ, укроп, туз ҳамда мева сиркаси солиб, аралаштирилади. Мулатида 1-2 соат ушланади. Болгарча салат дастурхонга совук ҳолда тўртилади.



Зоҳир ТОШХҲУЖАЕВ, Холмурод САЛИМОВ, Ҳама мухбирлари.

«Оилавий таълим тарбия дастури» танловига

«Оилавий таълим тарбия дастури» танловига. Бу оилага барча ҳавас қилади. Эр-хотин ўқимишли, зиёли, бири муҳандис, бири шифокор. Оиладаги тўрт фарзанднинг билими, одоби отизга тушган. Аммо "тақдир синовлари" дан қочиб қутулолмаган бу хонадонга бир нохушлик соя солиб турарди: суксурдекки қизларни, тўнғич фарзанди Гулмиранинг бир жойда қимирламай ётиши ота-онанинг юрагини ўртади.

Ақлу ҳуши жойида, ҳар бир сўзи маъноли қизгинанинг юриб кетиши учун жонимни беришга тайёрман, - дейди ота армон билан. Яратганининг синовими, ё жазоси, ҳеч ақлим етмайди, қайси гуноҳларим учун? - дейди онаизор. Кўй, болам, - дейди қайнона ич-ичидан ўқиниб, - қолганлари омон-ку, уларнинг шукрини қилмайсанми?

Аслида, ўғлининг раъйига қарамай, қариндошдан қиз олган онанинг дарди ичиди: "Қани энди, вақтини орта қайтариб бўлса... Афсус, дунёда тузатиб бўлмас хатоларнинг азобидан оғирроқ кўргүлик бўлмасе керак."

Шу ўринда доноларимизнинг пурмаъно сўзларини келтириш билан мулоҳазаларимизни яқуллашас: "Одамларнинг яхшиси бегонадан қиз олади, бегонага қиз беради. Қариндошнинг кўпайиши бўлади. Бундайларни соҳир қалб, кенг фель, олижаноб амаллар эгаси дейиш мумкин."

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Одамийлик шеваси ТАНБЕҲ ҚАЛБ КЎЗИ

Чаккасига райхон тақиб, чойхона супасида ёнбошлаб ётган отахон кўчадан ўтаётганларнинг саломига бош қимирлатиб алик оларди.

Узоқдан бир қиз, унинг кетидан эргашиб келаётган йигит чолнинг эътиборини тортди. Қиз ерга қараган бўйи тез-тез юриб келарди. Унинг ортидаги йигит эса тап тортмай, баланд овозда кизга "гап отяпти". Қиздан исти-ҳола қилиш, биров кўриб қолса-чи, деган ҳадик йигит учун бегона. Аксинча, қиз қадамни тезлатиб, "шилқим" га эътибор бермасликка ҳаракат қилгани сари йигит ҳам "танишайлик" ни такоррлаб нарчамасди.

Бу манзарани кўзатиб турган қария йигит билан "танишиб қўйиш"га қарор қилди.

Ҳой, йигит, Қаримнинг ўғли-мисан? Бери кел-чи. Бир пиёла чойим бор.

Ие, ассалому алайкум, отахон. Чаккирдингизми?

Чол йигит билан саломлашиб, хол-ахвол сурашгунча, қиз анчагина узоқлашиб кетди. Қария

оҳиста гап бошлади: - Асаднинг қизига муносабатинг жиддий бўлса, урф-одатимизни ҳам қадрлашинг керак, йигит. Ортиқча гап-сўз киз боққаннинг, қолаверса, маҳалланинг шаънига яхши эмас.

Йўғ-эй, нималар деяпсиз, отахон. Мен шунчаки, танишайлик дегандим, холос.

Ўз маҳалланинг қизини танимайсанми? Орқа кўчадаги Асад амакиннинг қизи-ку! Билсанг, маҳалланинг қизига шунчаки "гап отиш" ярамайди. Чунки, у сен учун ҳам сингли ёки опа. Муносабатинг жиддий бўлса, бу бошқа гап. Сен маҳаллани ҳам, маҳалладошларинг ҳам ҳурмат қилишга мажбурсан, уқднгми?

Йигит чолга бирор сўз айтолмай, қулгоғича қизариб кетди. Маҳалла қизларининг одоби, ифти шу эрлик йигитларнинг, жумладан, ўзининг ҳам ор-номуси, гурури эканлигини тушуниб етган бўлса ажабмас.

Аллома АЗИЗОВА.

Биз туман марказида ишловчилар автобуснинг сўнгги қатновида ишдан қайтамиз. Ёшига, келишган жувон узун бўйли, гавдали бир йигитни етаклаб чиқади. У эри экан. Бир фалокат бўлиб, иккала кўзи ҳам шикастланиб, кўрмай қолибди. Кўзи охишлар хамиятининг конфет қадоклаш цехида ишлашаркан.

Улар бир ўриндикка ўтиришар, ширин суҳбат қилиб кетишарди. Бир-бирига жуда меҳрибон эдилар.

Қуллардан бир кун эрининг ўрта ўриндикда, жувоннинг ҳайдовчи ёнида ўтирганини кўрдим. Эртасига яна. Кейин эса жувоннинг ҳайдовчига жуда яқин ўтирганига кўзим тушди. Узини ўнғайсиз ҳис эта бошладим. Олдинги ўриндикдаги икки нуруний онахон уялганлариданми, сал бурилиб, ойна томонга қараб олишди. Эри эса, бу холатни кўрмади. Унга жуда раҳим қилиб кетди. Жувоннинг олдига бориб, секингина "Сизни эрингиз изляпти" дедим. Жувон эрининг олдига бориб ўтирди. Бояги икки онахон "тўғри қилдингиз" дегандай, бош иргашди. Жойимга ўтиргач, эркин тин олдим.

Улар тушадиган бекатга яқинлашдик. Эрхотин ўринларидан кўзгалмишди. Йигит олдимдан ўтаркан, бошини сал егит, менга "Аёлимни хафа қилиб қўйдингиз" деди.

Мен ҳайратда эдим. Нима дейишимни билолмасдим.

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ.

Шифокор маслаҳати УТА ЗАРАРЛИ ҲАШАРОТ

Доно одам дардга чалинмаслик йўлини излайди, касалликни ўзига йўлатмайди. Эзининг айни жазирама кунлари инсон саломатлигига зарар етказувчи ҳашаротлар кўпаяди. Улар орасида кўп учрайдиган тури - чивин.



Чивинлар зах жойларда, ахлат чиқиндиларини, кўриб қолган қамшизорларни йўқ қилиш ва дезинфекциялашдан иборат.

Ҳўш, оддий ховлида, кўп қаватли уйлариинг хонадонларида яшовчи одамлар чивиндан қандай сақланишлари мумкин? Бунинг энг осон, энгил усули деразаларга икки қават қилиб доха туттишдан иборат. Агар оила аъзолари ховлидаги сула ёки қаравотда ухласа, пашшахона тайёрлаб олишлари керак. Епишқоқ махсус қоғозлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Шу йўл билан улар чакувчи ҳашаротлардан қутулдилар.

Чивин одам танасига кўниб, қон сўради. Инсон улардан сақланиш учун ҳар хил суртмалар, аэрозоллар, хид тарқатадиган кремлар-

дан фойдаланади. Гоҳида очик жойда, дала ховлида, дам олиш жойларида одамлар чивинлардан сақланиш учун керосин, бензиндан ҳам фойдаланишади. Лекин бу кўпичина хид йўлларида асорат қолдиради, ҳар хил аллергия бетибликларга сабаб бўлади.

Чивин чакиси болаларга кучли таъсир кўрсатади. Чунки уларнинг териси юмшоқ, нозик. Чивин чакқанда уни зарарсизлантириш учун махсус бальзамлардан фойдаланилса, яра-чақа пайдо бўлишининг олди олинади.

Яна бир марта оғохлантирамиз: ўзбилармонлик қилиб, терингизга ҳар хил кислота, уксус эритмалари, ишқорлар, бензин, керосин сура кўрмаган. Бу фойдадан кўра шикаст етказиши мумкин. Чивин ва пашшадан халос бўлиш учун шахсий гигиена қоидаларига риоя қилинг. Ётишдан олдин болаларни ювинтириш, уй-жойларни тоза тутиш асосий муҳофазат чораларидир.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ, олий тоифали шифокор.

СКАНВОРД

Scrabble word search grid with letters and clues.

Кулганга нима дейсин

Кўшнлар суҳбатидан: - Суваракдан қандай қилиб қутулдингиз? - Бўр сотиб олдим. - Фойдаси бўлдими? - Энди улар бурчак-бурчакларда тўнлашиб, расм қилиш бийлан машғул бўлишляпти.

қиласиз? - Об-ҳаво таъсириданми, билмадим, шу кунларда эски бод касалим тўтиб қолди. - Сизга энг яхши маслаҳат шу, бозорга бориб Абдурайим ақанинг шолғомидан 2 килограмм сотиб олиб, қайнатиб есангиз отдек бўлиб кетасиз. Бунини мен эмас, Иби Сино айтган. Шу пайт шифокорнинг телефони жиринглаб қолди: - Дўхтир ука, шолғомни сотиб бўлдим, энди турлга ўтичғ.

кўрай-чи... Бойвачча йигитдан дўсти сўради: - Йиларинг қалай? - Расво! Отам яхши ўқимасанг ё чет элга жўнатвораман, ёки машина олиб бераман дейпти... - Зур-ку! - Нимаси зўр? Қайси бирини танлашни билмай, бошим қотди. "Запорожец" ҳайдасаммикан, ёки Мўғилистонга кетсаммикан?

бақирди: - Мен иш вақтида чеккиш ва ичшини таққалаб қўйгандим-ку! Шу пайт ходимлардан энг хушёрроғи деди: - Шеф, ҳеч ким ишламапти-ку! - Ойшжон, склероз нима дегани? - Нимани сўрадинг, ўғлим? - Қачон? - Нега хотинингиз пианино эмас, пай қилишни ўргангизга мажбур қилдинг? - Чунки, пай қалаётганида ашула айтмайди-да...

TOHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVA Boш муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ Мунассис: ТОHKENT ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54. Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДУҲҲАЕВ.